

ISSN 2181-5534

ИНФЕКЦИЯ, ИММУНИТЕТ И ФАРМАКОЛОГИЯ

№ 3 / 2023

REZUME

VIRUSLI GEPATIT VA JIGAR SIRROZIDA SHOX VA TO'R PARDADAGI O'ZGARISHLAR.

Karimova Muyasar Xamitovna, Ahmedov Tulkinjon Bahtiyarjanovich,
Xusanboyev Xasanjon Shavkatovich, Bazarbayeva Kfmilla Gafurovna,
Sodiqov Abdulhamid Marufjonovich

Respublika Ixtisoslashtirilgan Ko'z Mikroxirurgiyasi

Ilmiy-Amaliy Tibbiyot Markazi

kamillabazarbaeva0@gmail.com

Jigar surunkali kasalliklari odamning umumiy patologiyasida etakchi o'rinni egallaydi. Adabiyotlarga ko'ra, surunkali jigar kasalligi bo'lgan katta yoshli bemorlarning 84-100 foizi ko'z belgilarini aniqlaydi. Ko'z Mikroxirurgiyasi markazida 35 ta bemor (70 ko'z) surunkali jigar kasalliklari bilan tekshirildi. Barcha bemorlarda oftalmologik tadqiqot usullari va klinik-laboratoriya va instrumental usullar o'tkazildi. Bemorlarning oftalmologik tekshiruvi natijasida ko'z olmasining old va orqa qismidagi o'zgarishlari aniqlangan.

УДК 614.6.56.03-65

СОПОЛ БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИДА МЕХНАТ ШАРОИТИДА ФИЗИОЛОГИК ВА ГИГИЕНИК ЎЗГАРИШЛАР

Курбанова Шахноза Иркиновна., Рашидов Валихон
Акмалджанович., Умеров Шамсиддин Сатторович., Ассенбаева
Тумарис Адилбаевна., Мирзаева Малика Хуррам қизи.

Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Миллий университети.
shahnoza.kurbanova5@gmail.com, valihon-7@mail.ru

Калит сўзлар. Сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонаси, меҳнат шароити, иш жойи, чанг, кимёвий омиллар, шовқин, ёритилганлик, микроклим кўрсаткичлари, жисмоний зўриқиш, фон, контраст.

Аннотация: Замонавий ишлаб чиқариш - бу хом ашё, материаллар, ярим тайёр маҳсулотлар ва бошқа меҳнат объектларини жамият эҳтиёжларига жавоб берадиган тайёр маҳсулотга айлантиришнинг мураккаб жараёнлардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга ишчилар ва меҳнат асбобларининг муайян турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича амалга оширган барча ҳаракатларининг йиғиндиси ҳамдир. Ишлаб чиқариш жараёнининг асосий қисмини меҳнат объектларининг ҳолатини ўзгартириш ва аниқлаш бўйича мақсадли ҳаракатларни ўз ичига олган технологик жараён ташкил этади.

Сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонасида ишчилар организмга комплекс омиллар таъсир қилади: чанг, кимёвий омиллар, ноқулай микроклим шароити, шовқин, тебраниш, меҳнатнинг оғирлиги, жисмоний зўриқиш. Илмий ишимизнинг мақсади сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонасидаги ишчиларни меҳнат қобилиятини ошириш ва иш жараёнини

яхшилаш ва касалланишни камайтиришга қаратилган комплекс соғломлаштириш чора-тадбирларни ишлаб чиқишга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раҳномалигида ишлаб чиқилган, Ўзбекистон Республикасини ривожлаштиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида микроиктисодий барқарорликни мустаҳкамлаш, иктисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш таркибий ислоҳатларни чуқурлаштириш орқали унинг рақобатбардошлигини оширишга алоҳида аҳамият берилган.

Мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш унинг таркибий тузилишини диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган, ҳар томонлама асосли ва чуқур ўйланган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасидир [2, 4].

Ишлаб чиқаришда ишчилар ўртасида саломатликни мустаҳкамлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш муаммолари тиббий-ижтимоий-иқтисодий, қонуний ва бошқа аспектларни ўз ичига олади. Зарарли ва хавфли меҳнат шароити тиббий-ижтимоий ва иқтисодий зарарни, юқори даражадаги касб касалликларни, меҳнат қобилиятини йўқотилиши, меҳнат тиббиёти ва соғлиқни сақлаш тизимини асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Ишловчиларни саломатлигини ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш айниқса меҳнатга қобилиятли контингент ўртасида Давлатнинг иқтисодий ўсиши билан боғлиқдир [1,3]. Шунинг учун аҳоли ўртасида ишчилар саломатлиги саволларини ҳал этиш, саломатликни сақлаш ва меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида Давлат сиёсатига йўналтирилган аҳоли ўртасида алоҳида ўрин тутади.

Меҳнат шароитини гигиеник баҳолаш, зарарли омил таъсири шароитида хавфсиз иш стажини баҳолаш, тиббий кўрик даврийлигини ўрнатиш, зарарли меҳнат шароити учун компенсация ва имтиёзлар тўлаш, технологик жараён ва мосламаларни модернизациялашга йўналтирилган.

Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонаси ишчилари саломатлигига ва ишчиларни меҳнат фаолиятига таъсир этувчи ноқулай меҳнат шароити билан тавсифланади.

Сопол буюмлари ишлаб чиқарадиган корхонанинг меҳнат шароити иссиқ иқлим шароитида меҳнат жараёнини ташкиллаштириш билан оз миқдорда боғлиқдир. Бунда асосан гигиеник саволларни ёритиб берувчи метеорологик ва чанг омиллари билан тавсифланади. Бизнинг тадқиқот ишимиз корхонадаги меҳнат шароитини яхшилашга қаратилган.

Сопол маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун хом ашё каолин ва гил ҳисобланади. Улар соф шаклда, кўпинча - кўшимчалар билан аралаштирилади. Каолин ва гил деганда турли хил аралашмаларга эга

бўлган табий сувли алюмосиликатлар тушунилади, улар сув билан аралаштирилганда пластик хамирни ҳосил қилади, улар куйгандан кейин қайтариб бўлмайдиган тарзда тошга ўхшаш ҳолатга айланади.

Ҳар қандай сопол маҳсулотининг асоси лойдир. Лой хамири тузилиши бўйича бир хил бўлиши керак, ламинациясиз ва ҳаво пуфакчаларисиз, кўшимчалар билан тенг равишда аралаштирилган, намланган, озгина босим билан у ёки бу шаклни олиш қобилиятига эга бўлиши керак. Лойли қоришма кўлларга ёпишмайдиган алоҳида қисмлари осонгина уланадиган бўлиши керак. Лойдан қоришма тайёрлашнинг бир неча йўли мавжуд. Улардан бири куйидагича: куритилган ва майдаланган лойга кўп миқдорда сув солинади, элакдан тоза идишга ўтказилади ва лой сув тубига чўқади. Кейин ортикча сув буғланиш ёки насос ёрдамида чиқарилади. Қолиплашдан олдин лой массасига кўшимча ишлов берилади яъни ундан ҳаво пуфакчалари чиқарилиб унга бир хил тузилиш берилади. Тозаланган лойдан фойдаланилгунга қадар нам ҳолатда лой ёпиқ жойларда сақланади. Бу эса лойдан маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида ўз шаклини сақлаб қолишга имкон беради, шу билан бирга эгилувчан ва пластиклик ҳолати яхшиланади. Янги тайёрланган лой кўпинча олдинги аралаш лой билан аралаштирилади чунки бу ҳолат унинг бактериял фаоллигини оширади ва сифатини яхшилади. Кейинги жараён қолиплаш жараёни бўлиб сопол маҳсулотларини қолиплашда лой массаси қолипларга солинади ва силлиқ сув билан ишлов берилади сўнг куритилади ва кўлда ишлов бериш устахонасига юборилади.

Сирлаш жараёни: қалинлиги 0,12-0,40 мм бўлган сопол парчасида эритилган ялтироқ қотишмалар бўлиб бу жараён сопол маҳсулотини зич ва силлиқ қатлам билан қолаш, ҳамда маҳсулотга мустаҳкамлик ва жозибали кўринишини бериш, дизлектрик хусусиятларини кафолатлаш ва декорацияни механик ва кимёвий таъсирлардан ҳимоя қилиш учун қўлланилади. Сир таркибига майдаланган циркон, бўр, белила киради. Тайёр бўлган сир идишларга солинади ва таркибидаги кўшимча заррачалардан тозалаш мақсадида элаклардан бир неча мартта ўтказилади. Аралашма таркибига елим ва сир кўшилиб кейинги босқичга юборилади. Ярим тайёр маҳсулотларни пишириш учун печга юборилади. Печ олдиндан куритиш модули, чангни тозалаш ва пуфлаш камералари билан жиҳозланган. Иссиқлик билан ишлов бериш 1230 ° ҳароратда амалга оширилади, печнинг узунлиги тахминан 89 метрни ташкил қилади. Троллейбусни юклашдан пиширишгача бўлган цикл тахминан бир ярим кунни ташкил қилади. Печдаги маҳсулотларни ёқиш кун давомида амалга оширилади. Оловдан кейин саралаш амалга оширилади: ўхшаш маҳсулотлар гуруҳларига бўлинади ва нуксонлари борлари қайта ишлаш учун алоҳида идишларга солинади.

Ўрганилаётган корхонада иш кунни давомида иш вақтининг 80-90% вақти асосий ишга сарфланади. Ишлаб чиқариш муҳитида етакчи омиллар

нокулай микроклим, чангланганлик, газланганлик, шовқин, тебраниш, меҳнатнинг оғирлиги ва кескинлиги ҳисобланади.

Сопол буюмлари ишлаб чиқариш корхонасида касбий омиллардан бири хом ашёдан чиқадиган чанг ҳисобланади. Чанг омили юқори дисперслиги билан фарқланади ва унинг ўлчами 2-10 мкм ва ундан юқори. Текширув вақтида иш жойи ҳавосида чанг концентрациясини ўлчаганимизда унинг максимал кўрсаткичи 23 мг/м^3 ни ташкил этган (РЭМ-2 мг/м^3). Бу кўрсаткич тайёрлов цехида майдаловчи-кукунловчиларнинг иш жойларида аниқланган. Иш жойидаги чанг миқдори ўз таркибида SiO_2 борлиги ва у чанг таркибида 70% ни ташкил этганлиги аниқланган. Қолиплаш цехида иш жойларидаги чангнинг миқдори $9,1 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этиб меъёридан 2,3 мартта юқорилиги аниқланди (РЭМ-4 мг/м^3). Корхонадаги қиздириш печларини олдида ҳамда рассомларнинг иш жойларида чангнинг миқдори РЭМдан бир оз миқдорда ошганлиги аниқланди.

Сопол буюмларга безак беришда керамик бўёқлардан фойдаланилади. Бу бўёқнинг таркибига кўрғошин, кварц, бор оксиди, алюминий оксиди киради. Бу бўёқлар кукун кўринишида бўлиб ўлчами 8-15 мкм ли ингичка дисперсли кимёвий модда. Керамик бўёқларни пневмопулкагич ёрдамида сепиш жараёнида рассомнинг нафас зонасида кўрғошин аэрозоллари РЭМ дан 3 мартта ошганлиги аниқланди.

Сопол буюмларини қуритиш ва печда пишириш жараёнида сопол буюмларни печларда қиздирувчиларнинг иш зоналарида углерод оксидининг ўртача концентрацияси $26,3 \pm 0,11 \text{ мг/м}^3$ ни ташкил этиб меъёридан 1,3 мартта юқорилиги аниқланди. Қолган иш жойларида яъни маҳсулотларни қуритиш жараёнида углерод оксидининг миқдори меъёридан ошмаганлиги аниқланди.

Иш жойи ҳавосида углерод оксидининг миқдори сопол буюмларини қиздириш жараёнида $26,35 \pm 0,11 \text{ мг/м}^3$ ни яъни меъёридан $6,35 \text{ мг/м}^3$ га юқорилиги аниқланди.

Расм чизиш цехида сопол буюмларига декорация ишлари олиб бориш жараёнида кимёвий моддаларнинг концентрацияси РЭМ дан ошганлиги аниқланди: кўрғошин аэрозоллари рассомларнинг иш жойларида $0,018 \text{ мг/м}^3$ га юқорилиги яъни 2,8 марттага, скипидар миқдори $19,6 \text{ мг/м}^3$ га яъни 1,06 марттага, кобальт оксиди $0,045 \text{ мг/м}^3$ га яъни 1,9 марттага иш жойларида ошганлиги аниқланди. Слипни қуритиш жараёнида углерод оксиди меъёридан $8,5 \text{ мг/м}^3$ га юқорилиги кузатилди.

Асосий гигиеник тавсифлардан бири иситувчи микроклим шароитидир. Бизнинг текширув натижаларимиз шуни кўрсатди-ки цехлардаги микроклим шароити йилнинг ёз ва қиш шароитларида гигиеник меъёридан четга чиқиш ҳолатлари кузатилган. Печлар олдида ҳарорат $39-40^\circ \text{C}$ га. Нисбий намлик-43% ни ҳавонинг ҳаракат тезлиги $0,36$

м/с ни ташкил этди. Йилнинг совуқ даврида ҳам микроклим параметрлари гигиеник меъёрларга жавоб бермаслиги аниқланди.

Шундай қилиб йилнинг илиқ даврида олиб келувчи ва олиб кетувчи вентиляция тизими ва цехга келаётган ҳаво самара бермаганлиги, ҳамда микроклим кўрсаткичлари ташқи муҳит омилларига ҳам боғликлиги аниқланди.

Кейинги етакчи омиллардан шовқин бўлиб шовқин қолипловчи шпиндель дастгоҳларини, газ горелкаларини ишлаши натижасида ҳосил бўлади. Шовқин кўрсаткичлари майдаловчи-кукунловчиларнинг иш жойларида $97,787,7 \pm 0,71$ дБА (РЭД- 80 дБА), қолиплаш цехида $85,1 \pm 0,61$ дБА (РЭД- 80 дБА), пиширувчиларнинг иш жойларида $83,9 \pm 0,68$ (РЭД-80 дБА) , аэрографшикларнинг иш жойларида эса $84,3 \pm 0,11$ (РЭД-80 дБА) га тенглиги аниқланди. Шовқиннинг спектрал таркиби эса 250 Гц дан 8000 Гц гача частоталарда 2-16 дБга юқорилиги кузатилди.

Ишчилар организмига салбий таъсир этувчи омиллардан яна бири ёритилганликни етарли эмаслиги. Сопол буюмлар ишлаб чиқариш корхонасида ёритилганлик аралаш типда бўлиб табиий ёритилганлик ён томондан дераза ойналари орқали узатилади. Сунъий ёритилганлик люминисцент лампалар орқали ёритилади. Иш жойларидаги ёритилганлик қолипловчи, сараловчи, рассомларнинг иш жойларида меъёридан 20-40 Лк га пастлиги аниқланди (РЭД-200 Лк). Табиий ёритилганлик эса қолипловчи, прессловчи ва сараловчиларнинг иш жойларида меъёридан пастлиги, майдаловчи-кукунловчи, қуритувчиларнинг иш жойларида ҚМҚ 2.01.05-98 "Табиий ва сунъий ёритиш" талабларига жавоб беради. Корхонада айрим касб эгаларининг кўриш анализаторига зўриқиш талаб этилади. Рассомларнинг иш фаолияти бир сменали бўлиб иш разряди бўйича III разрядга юқори аниқликдаги иш турига киритилган. Объектнинг энг кичик ўлчами 0,3-0,5 мм, фон оч, контраст ўртача ёки катта бўлиб бўёқнинг рангига боғлиқ. Иш жойларидаги ёритилганлик интенсивлиги иш куни давомида ва йил мавсумига қараб ўзгаради. Рассомларнинг иш жойларида сунъий ёритилганлик меъёрида 200 Лк га тенг, текширув вақтида меъёридан 20 Лк га пастлиги аниқланди. Табиий ёритилганлик эса меъёрида 1,2% га тенг бўлиб текширув вақтида 0,3% га пастлиги аниқланди.

Шундай қилиб корхонадаги иш жойларида ҳароратнинг юқорилиги, нисбий намликнинг пастлиги туфайли иситувчи микроклим, таркибида кимёвий моддаларни сақлаш билан тавсифланган юқори чангланганлик ҳамда гигиеник меъёрга жавоб бермайдиган паст ёритилганлик билан характерланади.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ayadi, A., Stiti, N., Boumchedda, K., Rennai, H., Lerari, Y., 2011. Elaboration and characterization of porous granules based on waste glass. Powder Technol. 208(2), 423-426.
2. Beletskii, B.I., Trofimov, A.N., Svetskaya, N.V., Zhuravleva, N.V., Pilepenko, O.S., Analysis of sheet-glass production in large-tonnage glassmaking furnaces. Glass Ceram, 2013. 69(9-10), 295-298.
3. Binner, J., Ceramics foams, in: Scheffler, M., Colombo, (Eds.), Cellular Ceramics: Structure, Manufacturing, Properties and Applications. Wiley-VCH Verlag GmbH & Co. KGaA, Weinheim Germany, 2005, pp. 31-56.
4. Шахгильдян Г.Ю., Алексеев Р.О., Наумов А.С., Золикова А.А., Савинков В.И., Сигаев В.Н. Исследование структуры и влияния ионного обмена на микротвёрдость молочнощелочной прозрачной стеклокерамики на основе ганита //Mendeleev University of Chemical Technology (Mendeleev University). - Москва, 2023. - С. 17-25.

РЕЗЮМЕ

ФИЗИОЛОГО-ГИГИЕНИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ УСЛОВИЙ ТРУДА НА ПРЕДПРИЯТИИ КЕРАМИЧЕСКОГО ПРОИЗВОДСТВА

Курбанова Шахноза Иркиновна, Рашидов Валихон
Акмалджанович, Умеров Шамсиддин Сатторович, Ассенбаева
Тумарис Адилбаевна, Мирзаева Малика Хуррам кизи.
*Ташкентская медицинская академия, Национальный университет
Узбекистана.*

shahnoza.kurbanova5@gmail.com, valihon-7@mail.ru

Аннотация: Современное производство представляет собой один из сложных процессов превращения сырья, материалов, полуфабрикатов и других предметов труда в готовую продукцию, отвечающую потребностям общества. В то же время это сумма всех действий рабочих и орудий труда по производству определенных видов продукции. Основную часть производственного процесса составляет технологический процесс, включающий целенаправленные действия по изменению и определению состояния предметов труда.

На организм работающих предприятия керамического производства воздействуют комплекс факторов: пыль, химические факторы, неблагоприятные микроклиматические условия, шум, вибрация, тяжесть труда, физическая нагрузка. Целью нашей научной работы является разработка комплексных оздоровительных мероприятий, направленных на повышение трудоспособности работников керамического предприятия, улучшение трудового процесса и снижение заболеваемости.

СОДЕРЖАНИЕ

1. АБДУЛЛАЕВ У.М., АХРАНОВА С.Т., ЭШБЕКОВА Л.Ш., АБДИЕВА М.Б. ЗНАЧЕНИЕ ИФА ПРИ ДИАГНОСТИКЕ НЕКОНТРОЛИРУЕМЫХ ИНФЕКЦИЙ ВИРУСА ЭПШТЕЙНА-БАРР.....5
2. АЗАМАТОВ А.А., ЖУРАКУЛОВ Ш.Н., ТУРСУНХОДЖАЕВА Ф.М., ВИНОГРАДОВА В.И. ВЗАИМОСВЯЗЬ «СТРУКТУРА-ТОКСИЧНОСТЬ» У ПРОИЗВОДНЫХ РЯДА 1-АРИЛ-6,7-ДИМЕТОКСИ-1,2,3,4-ТЕТРАГИДРО-ИЗОХИНОЛИНА.....10
3. АЗАМКУЛОВА Н.О., ИРГАШЕВА С.У., БАРАТОВА М.Т. ПОКАЗАТЕЛИ СИСТЕМЫ ГЕМОСТАЗА У ЖЕНЩИН ПОСЛЕ ПЕРЕНЕСЕННОГО COVID-19 НА ФОНЕ МЕНОПАУЗАЛЬНОЙ ГОРМОНАЛЬНОЙ ТЕРАПИИ.....17
4. АЙТМУРАТОВА У.К., ОРТИКОВ И.С., АЗАМАТОВ А.А., ТУРСУНХОДЖАЕВА Ф.М., АБДУГАФУРОВ И.А., ЭЛМУРАДОВ Б.Ж. ОСТРАЯ ТОКСИЧНОСТЬ И АНАЛЬГЕТИЧЕСКАЯ АКТИВНОСТЬ 4-(4-((4-(МЕТОКСИКАРБОНИЛ)ФЕНОКСИ)МЕТИЛ)-1Н-1,2,3-ТРИАЗОЛ-1-ИЛ)БЕНЗОЙНОЙ КИСЛОТЫ.....23
5. AMONOV M.X. PATHOPHYSIOLOGY CHANGES IN THE IMMUNE SYSTEM OF CHILDREN SUFFERING FROM AUTOMYCOSIS.....30
6. АХМЕДОВ Н.И. ТУРЛИ ЮРАК НУҚСОНЛАРИ КУЗАТИЛГАН КАТТА ЁШЛИ БЕМОРЛАРДА ГУМОРАЛ ИММУНИТЕТ ОМИЛЛАРИНИ АНИҚЛАШ НАТИЖАЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ.....35
7. АХМЕДОВА М.Д., ҒАЙБУЛЛАЕВ Ф.Х., МАКСУДОВА З.С. ВИСЦЕРАЛ ЛЕЙШМАНИОЗ КАСАЛЛИГИНИНГ ТАШХИСЛАШ ВА ДАВОЛАШДАГИ МУАММОЛАР.....42
8. БОБОЕВ К.Т., МУСАШАЙХОВ У.Х., МУСАШАЙХОВА Ш.М., ХАМИДОВ Д.А. ОЦЕНКА РОЛИ ПОЛИМОРФИЗМА С677Т ГЕНА МТНFR В РАЗВИТИИ МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СИНДРОМА.....53
9. KARIMOVA M.K., ABDULLAEVA S.I., SATTAUROVA ZH.O. THE STUDY OF THE MICROBIAL FLORA OF THE CONJUNCTIVA IN PATIENTS IN THE INTENSIVE CARE UNIT.....59
10. КАРИМОВА М.Х., АХМЕДОВ Т.Б., ХУСАИБОВЕВ Х.Ш., БАЗАРБАЕВА К.Г., СОДИКОВ А.М. МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ИЗМЕНЕНИЯ РОГОВИЦЫ И СЕТЧАТКИ ПРИ ВИРУСНЫХ ГЕПАТИТАХ И ЦИРРОЗАХ ПЕЧЕНИ.....65
11. КУРБАНОВА Ш.И., РАШИДОВ Ш.С., АССЕНБАЕВА Т.А., МИРЗАЕВА М.Х. СОПОЛ БУЮМЛАР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КОРХОНАСИДА МЕХНАТ ШАРОИТИДА ФИЗИОЛОГИК ВА ГИГИЕНИК ЎЗГАРИШЛАР.....70

12. **МИРЗОЕВА М.Р., НАРЗУЛЛАЕВ Н.У., РАДЖАБОВ А.Х.** СОСТОЯНИЕ ИММУНОГО СТАТУСА У БОЛЬНЫХ ЗАРАЖЕННЫМ COVID-19 С ОСТРЫМ РИНОСИНУСИТОМ.....76
13. **МУСАШАЙХОВ У.Х., НАБИЕВА Д.А., МАХСУДОВ О.М., МУСАШАЙХОВ Х.Т.** РОЛЬ ГЕНЕТИЧЕСКОГО МАРКЕРА Ala54Thr в гене FABP2 В ПАТОГЕНЕЗЕ МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СИНДРОМА....85
14. **МУХАМЕДИЕВА И.Б. ПАРПИЕВА М.Ж. ПОЗИЛОВ М.К., ЖУРАКУЛОВ Ш.Н. КАЛАМУШ ЮРАК МИТОХОНДРИЯСИ ЛИПИДЛАРНИНГ ПЕРОКСИДЛАНИШИГА АЙРИМ ИЗОХИНОЛИН АЛКАЛОИДЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....90**
15. **MUKHITDINOV SH.T., MUKHAMEDOVA SH.T.** CYTOKINE PROFILE OF PRESCHOOL CHILDREN WITH HELMINTHOSIS.....96
16. **НАБИЕВА Д.А., МУСАШАЙХОВ У.Х., ТУРСУНОВА М.А., МУСАШАЙХОВА Ш.М.** МОЛЕКУЛЯРНО-ГЕНЕТИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ РАЗВИТИЯ МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СИНДРОМА.....102
17. **NORMUROTOVA M.M.** LOPHANTHUS ANISATUS BENTHNING YER USTKI QISMIDAN TAYYORLANGAN QURUQEKSTRAKTNING VA DAMLAMANING FARMAKOLOGIK TA`SIRINI O`RGANISH.....106
18. **НУРАЛИЕВ Н.А., АЧИЛОВА Д.Н.** ТУРЛИ ХУДУДЛАРДА ЯШОВЧИ БОЛАЛАР ОРАСИДА АЛЛЕРГИК КАСАЛЛАНИШИНИ ЎРГАНИШ АСОСИДА БИРЛАМЧИ ПРОФИЛАКТИКАНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....110
19. **НУРИТДИНОВА Д.Ю., АХМЕДОВА Х.Ю., МУСТАФОВ Х.М.** ХАРАКТЕРИСТИКА ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКОГО ПРОЦЕССА КОРОНАВИРУСНОЙ ИНФЕКЦИИ НА ТЕРРИТОРИИ ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЫ В 2020 ГОДУ.....117
20. **ОСТОНОВА Г.С., МИРЗОЕВА М.Р.** КЛИНИКО-ИММУНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА КИШЕЧНОГО ИЕРСЕНИОЗА.....130
21. **РАХИМОВ А.Д. ПОЗИЛОВ М.К., ЯКУБОВА Н.Х., ГАФУРОВ М.Б.** ЭКСПЕРИМЕНТАЛ МИОКАРДИТДА ЮРАК МИТОХОНДРИЯСИНИНГ ЮҚОРИ ЎТКАЗУВЧАН ПОРАСИГА ГОССИПОЛ ДИАЗОИМИНО ҲОСИЛАЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ.....135
22. **РАХИМОВА М.Б., АХМЕДОВ Х.С., РАХИМОВ С.С.** СОВРЕМЕННЫЙ ВЗГЛЯД НА ПРОБЛЕМУ ДИСФУНКЦИИ ЭНДОТЕЛИЯ КАК ПАТОГЕНЕТИЧЕСКОГО ЗВЕНА РАЗВИТИЯ СЕРДЕЧНО- СОСУДИСТЫХ КАТАСТРОФ У БОЛЬНЫХ АНКИЛОЗИРУЮЩИМ СПОНДИЛОАРТРИТОМ.....140
23. **РАХМАТУЛЛАЕВА Ш.Б., МУМИНОВА М.Т., ИЛЪЯСОВА М.М.** ОИВ-ИНФЕКЦИЯЛИ БОЛАЛАРДАГИ ДИАРЕЯЛАРДА ИЧАК МИКРОБИОЦЕНОЗИНИНГ ҲОЛАТИ.....148
24. **САЛОХИДДИНОВ З.С., МУСАШАЙХОВ У.Х., ТЕШАБОВ М.Г., МУСАШАЙХОВ Х.Т.** ИЗУЧЕНИЕ ОСОБЕННОСТЕЙ

- МЕТАБОЛИЧЕСКОГО СИНДРОМА У ЛИЦ С ПОЛИМОРФИЗМОМ
 PRO12ALA В ГЕНЕ PPARG2.....156
25. СОБИРОВА Г.Х., КУРБАНОВА Н.Б., ПОЗИЛОВ М.К.
 АЛЛОКСАН ДИАБЕТДА КАЛАМУШ ЖИГАР МИТОХОНДРИЯСИ
 ДИСФУНКЦИЯСИГА РУТИН ВА ФС-6 ФЛАВОНОИДЛАРИНИНГ
 ТАЪСИРИ.....160
26. СЫРОВ В.Н., ЭГАМОВА Ф.Р., ЮСУПОВА С.М. ВЛИЯНИЕ
 ЦИКЛОАРТАНОВЫХ ГЛИКОЗИДОВ НА ПАТОЛОГИЧЕСКИ
 ИЗМЕНЕННЫЙ ОБМЕН ВЕЩЕСТВ В СЕРДЕЧНОЙ МЫШЦЕ У
 КРЫС С ЭКСПЕРИМЕНТАЛЬНЫМ МИОКАРДИТОМ.....166
27. FAYZILLAeva G.I. OQ ZOTSIZ KALAMUSHLAR JIGARINING
 EKSPERIMENTAL SHAROITDA VIRUSLI ZARARLANISHLARIDAN
 KEYINGI MORFOLOGIK O'ZGARISHLARI.....174
28. ШАМСИЕВА Э.Р. ОСОБЕННОСТИ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНОЙ
 ДИАГНОСТИКИ ТОКСИКО-АЛЛЕРГИЧЕСКОГО БУЛЛЕЗНОГО
 ЭПИДЕРМАЛЬНОГО НЕКРОЛИЗА И СТИВЕНСА-ДЖОНСОНА У
 ДЕТЕЙ.....185
29. ЭГАМОВА Ф.Р., МИРЗАЕВ Ю.Р., РУЗИМОВ Э.М., АРИПОВА
 С.Ф., ХАЛИЛОВА Э.Х. ПРОТИВОВОСПАЛИТЕЛЬНОЕ ДЕЙСТВИЕ
 ЭКСТРАКТА СМОЛЫ ИЗ *FERULA TADSHIKORUM*.....192
30. YULDASHEV E.I., SULTANALIYEVA N.M., SHKINEV A.V.,
 SADIKOV E.S. MARKAZIY OSIYO AYRIM ILONLARI
 ZAHARLARINING OG'RIQ QOLDIRISH XUSUSIYATINI
 O'RGANISH.....196
31. ЮНУСХОДЖАЕВА Н.А., ГУЛЯМОВА Д.Р. ИССЛЕДОВАНИЕ
 МИКРОБИОЛОГИЧЕСКОЙ ЧИСТОТЫ ГЕЛЯ ПОЛУЧЕННОГО ИЗ
 РАСТИТЕЛЬНОГО СЫРЬЯ.....203